

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Сариосиё тумани

2024йил 10 июль

Сариосиё туманлараро иқтисодий судининг раиси, судья – Н.Н.Муротов раислигида, судья ёрдамчиси М.Гадоевнинг котибалигида, даъвогар [REDACTED] нинг жавобгар [REDACTED] дан 2 836 132 904 сўм асосий қарз, 353 306 074,30 сўм пеня ундириш ҳамда 2020 йил 25 декабрдаги DC-BB-1-рақамли шартнома бўйича жавобгар манзилига юборилган 12 258 374 348 сўмлик ҳисоб-фактурани тасдиқлаш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво аризасини ҳамда [REDACTED] нинг [REDACTED] дан 3 227 967 287 сўм асосий қарз, 1 613 983 643 сўм пеня, юридик хизмат учун қилинган 6 600 000 сўм харажат ва 139 837 153 сўм экспертиза харажати ундириш ҳақидаги қарши даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни тарафлардан: даъвогар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида), жавобгар вакиллари [REDACTED] (ишончнома асосида), [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокида, Тошкент туманлараро иқтисодий суди ҳамда ФИБ Сариосиё туманлараро суди АКТ ходимлари кўмагида, видеоконференцаалоқа режимида, ўз биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

[REDACTED] (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, [REDACTED] (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)дан 2 836 132 904 сўм асосий қарз, 353 306 074,30 сўм пеня ундиришни ҳамда жавобгар зиммасига 2020 йил 25 декабрдаги DC-BB-1-рақамли шартнома бўйича жавобгар манзилига юборилган 12 258 374 348 сўмлик ҳисоб-фактурани тасдиқлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар судга қарши даъво аризаси ҳамда кейинги суд мажлисларида кўшимча даъво (даъво талабини кўпайтириш ҳақида ариза) тақдим қилиб, даъвогар [REDACTED] дан жавобгар [REDACTED] фойдасига 3 227 967 287 сўм асосий қарз, 1 613 983 643 сўм пеня, юридик хизмат учун қилинган 6 600 000 сўм харажат ва 139 837 153 сўм экспертиза харажати ундиришн сўраган.

Суднинг 2024 йил 14 мартдаги ажрими билан қарши даъво аризаси иш юритувига қабул қилинган ҳамда қарши даъво дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқилиши белгиланган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъво аризаси важларини такрорлаб, жавобгарнинг қарши даъвоси асоссиз эканлигини, жавобгар томонидан қарши даъво аризасида келтирилган қўшимча тупроқ ишларини бажарганлиги ва ушбу бўйича қарздорликни ундириш талаби асоссиз эканлигини инобатга олиб, қарши даъво аризасини қаноатлантиришни рад этишни ва дастлабки ўз даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.



Жавобгар вакили даъвогарнинг важларига эътироз билдириб, қарши даъво ариза важларини такрорлаб, экспертиза хулосасига кўра, қарши даъво аризасини қаноатлантиришни ва дастлабки даъвони қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд ишда иштирок этган тарафлар вакилларининг кўрсатмаларини ва тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ва далилларни ўрганиб ҳамда уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишни, жавобгарнинг қарши даъво талабларини қисман қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини қаноатлантирилган даъво талабларига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан кейинги ўринларда ФК деб номланади)нинг 234-моддасига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФКда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 666-моддасига асосан, қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини), иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ишдаги мавжуд далиллардан кўринишича, даъвогар ва “BUROVIK BUXARA” МЧЖ ўртасида 2020 йил 25 декабрда DC-BB-1-сонли пудрат шартномаси тузилган.

Мазкур шартномага асосан жавобгар [REDACTED] вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] ҳудудида жойлашган даъвогарга тегишли объектда ишларни бажариш (Строительство подъездного железнодорожного пути к территории [REDACTED] на ст Чимкурган (из собственного или давальческого сырья)) даъвогар эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.1-бандига асосан, бажариладиган ишларнинг тахминий қиймати қўшилган қиймат солиғи билан 16.520.001.024 сўм эканлигига тарафлар келишишган.

2021 йил 10 декабрда даъвогар, жавобгар ва [REDACTED]



шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар [REDACTED] дан [REDACTED] га ўтган.

ИПК 66-моддасига кўра, иш бўйича далиллар ушбу Кодексда ва бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда олинган фактлар ҳақидаги маълумотлар бўлиб, улар асосида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек низони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлайди. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳатлари (тушунтиришлари), гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади.

Аниқланишича, жавобгар томонидан шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда ишдаги мавжуд ҳисоб-фактура маълумотномалари ва бажарилган ишлар далолатномасига асосан қуйидаги миқдорда ва суммада ишлар бажарилган:

- укладка 4,91 км ж/д пути – 6 801 206 822 сўмлик (ҚҚС билан)
- земляное полотно подъездного ж/д пути 318,3 тыс.куб – 4 672 515 078 сўмлик (ҚҚС билан)
- укладка полиэтиленовой гофрированный трубы д-110 мм для дренажа 3000 м.п – 247 071 000 сўмлик (ҚҚС билан)
- строительство ж/д мостов на ПК 17-18 – 278 913 072,16 сўмлик (ҚҚС билан)
- строительство ж/д мостов на ПК 73-74 – 258 668 375,69 сўмлик (ҚҚС билан) жами 12 258 374 348 сўмлик ишлар бажарилган ва даъвогар томонидан қабул қилиб олинган.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида 2023 йил 23 сентябрда шартномага 3-сонли қўшимча келишув тузилган бўлиб, унга асосан бажариладиган ишлар қиймати 16 963 602 496 сўм эканлиги ва жавобгар даъвогарга 2 836 132 904 сўм пул маблағини қайтариш ҳақида келишишган.

Бироқ, жавобгар томонидан пул маблағи даъвогарга қайтарилмаган.

Шу боис, даъвогар юқоридаги даъво аризаси важлари билан судга мурожаат қилиб, жавобгардан 2 836 132 904 сўм асосий қарз ва унга ҳисобланган 353 306 074,30 сўм пеня ундиришни ҳамда жавобгар томонидан шартнома бўйича (даъвогар томонидан) юборилган 12 258 374 348 сўмлик ҳисоб-фактурани тасдиқлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Ўз навбатида жавобгар ишни кўриш жараёнида қарши даъво аризаси тақдим этиб, унга асосан жавобгар пудрат шартномаси бўйича ишларни бажарганлигини, 2 016 492 746 сўмлик 2.5 километр темир йўл ётқизиш ишлари 14.04.2022 йилдаги № 1-сонли Форма-3 ва Форма-2 счёт фактура ҳужжатларига асосан даъвогар томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилиб олинганлигини, 12 258 374 348 сўмлик бажарилган ишлар (тупроқ ишлари, темир йўл ётқизиш ишлари, кўприк қуриш ишлари, д-110 миллиметрлик полиэтилен қувурлари ўрнатиш, стрелкали бурилгичлар ўрнатиш ишлари) 21.09.2023 йилдаги № 2-сонли Форма-3 ва форма 2 счёт фактура ҳужжатларига асосан даъвогар томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилиб олинганлигини, даъвогар билан тузилган битимларга мувофиқ бажарилган ишлар ҳажми ёпилиб кетадиган



ишларни текшириш далолатномаларига асосан даъвогарнинг вакиллари ва техник назорат вакиллари томонидан бирор бир эътирозларсиз ўрнатилган тартибда қабул қилиб олинганлигини, ушбу ҳужжатларга кўра, жами бажарилган ишлар суммаси 14.274.867.094 сўмни ташкил этганлигини, даъвогар бажарилган ишларни Форма-3 ва форма-2 счёта фактура ҳужжатларига асосан ўрнатилган тартибда қабул қилиб олинганлиги боис, даъвогарнинг талаблари асосиз эканлигини, даъвогар билан тузилган 25.12.2020 йилда № DC-BB-1-сонли пудрат шартномасига 14.11.2022 йилдаги кўшимча шартномага кўра, “Дренажная система, Земельное полотно, Мост 1, Мост 2” ишларини бажариш келишилганлигини, ушбу келишувда назарда тутилган ишлар жавобгар томонидан тўлиқ бажариб берилган бўлсада, бироқ ўзаро тузилган шартномаларга асосан жавобгар томонидан бажарилган ишлар суммаси даъвогар томонидан тўлаб берилмасдан келинаётганлигини, 05.04.2021 йилдаги далолатномага асосан жавобгар томонидан 441.128 куб тупроқ ишлари бажарилганлиги, 02.08.2021 йилдаги далолатномага кўра, 83.534 куб, 05.10.2021 йилдаги далолатномага асосан 9.520 куб тупроқ ишлари ҳам жавобгар томонидан бажарилганлиги, даъвогар масъул ходимлари томонидан имзо қўйиб қабул қилиб олинганлиги, жавобгар томонидан жами бажарилган 534.182 куб тупроқ ишлари 11 106 378 700 сўм бўлгани ҳолда даъвогар қисман тўловни амалга ошириб, қолган 5 397 075 000 сўмни тўлаб бермаётганлигини, даъвогар билан тузилган 04.10.2023 йилда № DC-УТ-1-сонли пудрат шартномасига кўра, “Строительство подъездного железнодорожного пути к территории «Djizzakh cement» на ст Чимкурган по адресу: Республика Узбекистан, Джизакская область, Фаришский район, МФЙ Эгизбулок (из собственного или давальческого сырья) ишларини бажариш келишилган бўлиб, ушбу келишувда назарда тутилган ишлар жавобгар томонидан шартномага илова қилинган смета ҳужжатларига мувофиқ бажариб берилган бўлсада, бироқ бажарилган ишлар суммаси даъвогар томонидан тўлаб берилмаётганлигини хусусан, 31.12.2023 йилдаги № 03-сонли Форма 3 ва Форма 2 ҳужжатларига асосан 200 П/М темир йўл ётқизиш ишлари ва 492 дона комплект темир бетон шпаллар ўрнатиш ишлари бажарилган бўлиб, уларнинг қиймати 667.025.193 сўмни ташкил этиши, бироқ жавобгар ушбу тўловларни амалга оширмаётганлигини, юқорида кўрсатилганларга асосан жавобгар томонидан жами 20 338 967 287 сўмлик ишлар бажарилганлигини, даъвогар томонидан бугунги кунга қадар 3 йил давомида бўлиб-бўлиб жами 17 111 000 000 сўм пул маблағи пул ўтказиш йўли орқали тўлаб берилганлигини, натижада жавобгарнинг эмас даъвогарнинг қарздорлиги мавжудлигини ушбу сумма 3 227 967 287 сўмни ташкил этишини баён қилиб, жавобгардан мазкур суммани ва унга ҳисобланган 1 613 983 643 сўм пеня, юридик хизмат учун қилинган 6 600 000 сўм харажатини ундиришни сўраган.

ИПК 12-моддасига асосан, суд ишни муҳокама қилишда иш бўйича барча далилларни бевосита текшириши шарт.

Ишни кўриш жараёнида, низо юзасидан асосли тўхтамга келиш ва қонуний қарор қабул қилиш мақсадида назорат ўлчовини ўтказиш ҳақида экспертиза тайинланган.



Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги “Капитал қурилиш бошқармаси” ДУК томонидан ўтказилган назорат ўлчови бўйича 2024 йил 05 июнда тушунтириш хати расмийлаштирилган ва 05.05.2024 йилдаги 19/06-24-сон кузатув хати билан судга юборилган бўлиб, мутахассис томонидан тарафлар ўртасида шартнома тузилганлиги ва қўшимчаларга асосан жавобгар даъвогарга 2 836 132 904 сўм пул маблағини қайтариш мажбуриятини олганлиги, даъвогар эса - укладка 4,91 км ж/д пути – 6 801 206 822 сўмлик (ҚҚС билан) ишлар учун **808 949 206 сўм;**

- земляное полотно подъездного ж/д пути 318,3 тыс.куб – 4 672 515 078 сўмлик (ҚҚС билан) ишлар учун **221 701 276 сўм;**

- укладка полиэтиленовой гофрированный трубы д-110 мм для дренажа 3000 м.п – 247 071 000 сўмлик (ҚҚС билан) ишлар учун **13 515 415 сўм;**

- строительство ж/д мостов на ПК 17-18 – 278 913 072,16 сўмлик (ҚҚС билан) ишлар учун **51 467 291 сўм;**

- строительство ж/д мостов на ПК 73-74 – 258 668 375,69 сўмлик (ҚҚС билан) ишлар учун **67 076 922 сўмлик жами 1 162 710 111 сўмлик тўловларни амалга оширмаганлиги,** тарафлар ўртасида мажбуриятлар яъни жавобгар даъвогарга қайтариб бериш лозим бўлган 2 836 132 904 сўм пул маблағини, даъвогарнинг жавобгар олдидаги мажбуриятдан, яъни 3 397 825 417 сўмдан – 2 836 132 904 сўм пул маблағи айрилса 561 692 513 сўм чиқиши, ушбу пул маблағи даъвогар томонидан жавобгарга тўланмаган 1 162 710 111 сўм пул маблағига қўшилса даъвогарнинг жавобгар олдида 1 724 402 624 сўм қарздорлиги қолиши маълум қилинган.

ИПКнинг 75-моддасига асосан, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар, шартномалар, маълумотномалар, амалий ёзишмалар, шу жумладан факсимил, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ишончлилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ўзга ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллардир.

Юқорида қайд этилганларга кўра, суд назорат ўловчи якуни бўйича расмийлаштирилган далолатномани асосли деб топишни ва далолатномага асосан мутахассис томонидан тақдим этилган ёзма тушунтиришни далил сифатида эътироф этишни лозим топади.

Шу боис, суд даъвогарнинг жавобгардан 2 836 132 904 сўм асосий қарз ундириш ҳақидаги даъво аризаси талабини асосли деб ҳисоблайди.

Чунки, тарафлар ўртасидаги шартномага асосан расмийлаштирилган 3-сонли қўшимча келишувда жавобгар даъвогарга 2 836 132 904 сўм пул маблағини қайтариш мажбуриятини олган.

Бироқ, суд даъвогарнинг жавобгар олдида 3 397 825 417 сўмлик мажбурияти мавжудлигини инобатга олиб, 2 836 132 904 сўм пул маблағини 3 397 825 417 сўмдан олиб ташлашни лозим топади. Шунга кўра, суд даъвогарнинг 2 836 132 904 сўм пул маблағини жавобгардан ундирмаслик лозим деб ҳисоблайди.



Шунингдек, даъвогар ўз даъво талабида жавобгар томонидан мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги учун 353 306 074,30 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФК 260-моддасига кўра, Қонунчилик ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

Ушбу Кодекснинг 261-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

ФКнинг 263-моддасига биноан, Неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Суд даъвогарнинг жавобгардан мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги учун 353 306 074,30 сўм пеня ундириш ҳақидаги даъво талабини асосиз деб ҳисоблайди, чунки жавобгар томонидан мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги далиллар асосида исботлаб берилмади. Шу боис, даъвогарнинг жавобгардан мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги учун 353 306 074,30 сўм пеня ундириш ҳақидаги талаби асосиз бўлганлиги учун рад этилиши лозим.

Бундан ташқари, даъвогар ўз даъвосида жавобгар зиммасига жавобгар манзилига юборилган 12 258 374 348 сўмлик ҳисоб-фактурани тасдиқлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд даъвогарнинг ушбу талабини ҳам асосиз деб ҳисоблайди. Чунки, ушбу талаб жавобгар томонидан даъво талаби судга тақдим этилгандан кейин бажарилган. Шу боис, суд даъвогарнинг мазкур талабини ҳам рад этишни ва ушбу талаб бўйича давлат божини жавобгардан ундиришни лозим топади.

Суд жавобгарнинг даъвогардан 3 227 967 287 сўм асосий қарз ундириш ҳақидаги қарши даъво аризаси талабини қисман асосли деб ҳисоблайди, боиси суд жавобгар даъвогарга қайтариб бериш лозим бўлган 2 836 132 904 сўм пул маблағини, даъвогарнинг жавобгар олдидаги мажбуриятдан, яъни 3 397 825 417 сўмдан – 2 836 132 904 сўм пул маблағи айрилса 561 692 513 сўм чиқиши, ушбу пул маблағи даъвогар томонидан жавобгарга тўланмаган 1 162 710 111 сўм пул маблағига кўшилса даъвогарнинг жавобгар олдида 1 724 402 624 сўм қарздорлиги қолишини инобатга олиб, жавобгарнинг 3 227 967 287 сўм пул маблағи ундириш ҳақидаги талабини 1 724 402 624 сўм миқдориди қаноатантиришни лозим топади.

Шунингдек, жавобгар қарши даъво аризасида даъвогардан 1 613 983 643 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФК 263-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.



Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида”ги Қонунини иқтисодий судлар амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарори 10-бандига биноан умумий қоидага кўра, қонун ҳужжатлари ва шартномада бошқача тартибда жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик (шартнома интизомини бузганлик) учун Қонуннинг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик қўлланилади. Агар ҳўжалик шартномасида шартнома интизомини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учун жавобгарлик белгиланган бўлса, тарафларнинг жавобгарлиги шартномага асосан қўлланилади.

ФКнинг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли.

Мазкур ҳолатда суд даъвогар томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини ҳамда унинг мулкӣ аҳволини эътиборга олиб, талаб қилинган 1 613 983 643 сўм пеняни, 161 398 364 сўм пеня сўм миқдорида қаноатлантиришни ҳамда қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Бундан ташқари, жавобгар қарши даъво аризасида юридик хизмат учун қилинган 6 600 000 сўм адвокат хизмат ҳақи харажати ва 139 837 153 сўм экспертиза харажати ундиришни сўраган.

Суд жавобгарнинг мазкур қарши даъводаги талабларини асосли деб ҳисоблайди.

Боиси, жавобгар судда ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун “SABR ISHONCH” адвокатлик фирмаси билан шартнома тузган ва унга 6 600 000 сўм тўлаб берган.

Шунингдек, ишни кўриш жараёнида экспертиза харажатини тўлаш жавобгар зиммасига юкланган бўлиб, жавобгар томонидан экспертиза учун 139 837 153 сўм пул маблағи тўланган.

ФКнинг 14-моддасига асосан, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин.

Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахсининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Шу боис, жавобгарнинг 6 600 000 сўм адвокат хизмат ҳақи харажати ва 139 837 153 сўм экспертиза харажатини ундириш ҳақидаги талаблари тўлиқ қаноатлантирилиши лозим.

ИПК 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.



Қайд этилганларга биноан суд жавобгарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этишни ва суд харажатларини қаноатлантирилган даъво талабларига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклашни ҳамда даъвогарнинг 2020 йил 25 декабрдаги DC-BB-1-рақамли шартнома бўйича жавобгар манзилига юборилган 12 258 374 348 сўмлик ҳисоб-фактурани тасдиқлаш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги даъво талаби рад этилган бўлсада, ушбу талаб жавобгар томонидан даъво талаби судга тақдим этилгандан кейин бажарганлигини инобатга олиб ушбу талаб бўйича давлат божини жавобгардан ундиришни лозим топади.

Шунингдек, “Yo'l Ta'mir Invest Qurilish” МЧЖ вакили Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан чиқарилган даъвони таъминлаш ҳақидаги ажримни бекор қилишни сўраган.

Аниқланишича, Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 18.12.2023 йилдаги ажрими билан [REDACTED]нинг 3 189 438 978,30 сўм пул маблағини хатлаш ҳақида ажрим қабул қилинган.

ИПКнинг 96-моддаси олтинчи қисмига кўра, даъвони қаноатлантириш рад этилган, даъво кўрмасдан қолдирилган, иш юритиш тугатилган ҳолларда, даъвони таъминлаш чоралари тегишли суд ҳужжати қонуний кучга киргунига қадар ўз кучини сақлайди. Бироқ суд кўрсатилган суд ҳужжатларини қабул қилиш билан бир вақтда ёки улар қабул қилинганидан кейин даъвони таъминлаш чораларини бекор қилиш ҳақида ажрим чиқариши мумкин.

Шунга асосан суд Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 18.12.2023 йилдаги ажримини бекор қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14, 236, 326, 324, 336-моддаларини, Иқтисодий процессуал кодексининг 12, 66, 68, 72, 75, 118, 176-180, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и :

Даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгарнинг қарши даъво талаблари қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар [REDACTED] ҳисобидан жавобгар [REDACTED] хисобига 1 724 402 624 сўм асосий қарз, 161 398 364 сўм пеня, юридик хизмат учун қилинган 6 600 000 сўм харажат, 139 837 153 сўм экспертиза харажати, жами 2 032 238 141 сўм ва 34 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгарнинг даъво талабларини қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъвогар [REDACTED] ҳисобидан республика бюджетига 69 696 468,4 сўм давлат божи;

Олий суд депозит ҳисоб рақамига 85 000 сўм вка харажати ундирилсин.



Даъвогар [REDACTED]нинг судга даъво аризаси тақдим этишда олдиндан тўлаган 31 894 390 сўм давлат божи зиммасида қолдирилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан республика бюджетига 30 071 293,26 сўм давлат божи ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан [REDACTED] ҳисобига номулкий тусдаги даъво талаби бўйича судга олдиндан тўлаб чиқилган 1 700 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 18.12.2023 йилдаги даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрими бекор қилинсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали бир ойлик муддат ичида Сурхондарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти бериш (протест келтириш) ёки ушбу муддатда апелляция шикояти (протест) берилмаса, олти ойлик муддатда кассация шикояти бериш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Муротов

